



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (13.429)

Баҳоси эркин нарҳда

ЭЛ-ЮРТГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – АСОСИЙ БУРЧИМИЗДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 6 май куни Яшнобод туманида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда пойтахтимизни келгуси беш йилда ривожлантириш бўйича ўз дастурини тақдим қилган ва бу борада аниқ таклифлар илгари сурган эди.

Дунё бозорида рақобатбардош саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, кўп хонадонли арзон уй-жойлар қуриш, тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва улар ҳудудини ободонлаштириш, шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш, экология ва санитария муҳитини яхшилаш, метро, автомобиль йўллари ва кўприклар қурилишини давом эттириш, профилактика инспекторлари институтини мустақамлаш, аҳолининг китобхонлик маданиятини ошириш, дори-дармонларга нарх белгиланиш тартибга солиш. Бу масалалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда айтилган режа ва тадбирларнинг бир қисми.

Ўтган вақт мобайнида юқорида санаб ўтилган масалаларнинг барчаси бўйича фармон, қарор ва бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси изчил таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ойбек кўчасидаги кўп қаватли уйларда ишга туширилган замонавий, энергетикамкор технологияларни бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, хонадонлар ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик энергияси ва иссиқ сув билан узлуксиз таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 апрелдаги "2018-2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини янгилаш ва модернизация қилиш, энергия самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий қозонхоналар қуриш, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларида локал иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича кенг қўламли вазибалар белгиланган.

Пойтахтимиздаги марказлашган иссиқлик таъминоти тизими ускуналари ва тармоқлар техник ва маънавий эскиргани, марказий қозонхоналар истеъмолчилардан узоқ жойлашгани сабабли иссиқлик етказиб беришда айрим муаммолар юзга келмоқда.

Президентимиз қарорига асосан пойтахтимиз туманларида замонавий қозонхоналар қуриш, қуёш энергияси билан сувни иситиладиган гелиоқурилмалар негизда уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқлик билан таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, жорий йилда пойтахтимизда 211, жумладан, кўп қаватли уйлар том қисмида 134, мавзёлар ҳудудидида 77 қозонхона қурилади. Ушбу мақсадлар учун сарфланадиган 170 миллиард сўм маблағ тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ойбек кўчасидаги 40- ва 42-уйларда ишга туширилган қозонхоналар гелио сув иситкичлари билан жиҳозланган. Бу қозонхона аънавий марказлашган иситиш тизимига қараганда бирмунча афзалликларга эга. Қозонхонада замонавий технология асосида қуёш нуридан иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилиб, сув хонадонларга тақсимланади. Бу табиий газни тежаш, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб беришда йўқотишлар ва авария ҳолатларининг олдини олиш, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш имконини беради.

Қозонхонада соатига 416 киловатт иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Лойиҳа қиймати 460 миллион сўм бўлиб, харажатлар "Тошиссиққуввати" ишлаб чи-

қариш бирлашмаси унитар корхонаси ҳисобидан қопланган. Уй юқорисидаги техник қаватда қозонхона, томда қуёш коллекторлари ўрнатилган.

Қуёш сув иситкичлари экологик тозаллиги, кўп хизмат талаб этмаслиги ва узоқ муддат фойдаланиш мумкинлиги билан ажралиб туради. Бундай технологиялар нафақат қуёшли, балки бўлутли кунларда ҳам энергия ишлаб чиқара олади.

Бу ишлардан кўзланган асосий мақсад кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун қулай шарт-шароит яратишдир, деди Президентимиз. Коммунал соҳани янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш учун қуёш энергияси асосида ишлайдиган иссиқлик энергияси тизимига ўтишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Тошкент шаҳрида келгуси уч йилга мўлжалланган алоҳида тизим ишлаб чиқилади. Бу тизим қуёш энергияси ёрдамида уй-жойлар ва ижтимоий объектларни иссиқ сув ва энергия билан узлуксиз таъминлаш, энергия ресурсларини тежаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари гелиоқурилмалар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари билан танишди.

Қозонхоналар қуриш ва улардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, малакали мутахассисларни жалб этиш борасида зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев «Тошкент қоғози» масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазибаларга мувофиқ ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, халқимизнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-ҳомашё, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда.

«Тошкент қоғози» масъулияти чекланган жамиятининг умумий ер майдони 12 гектардан зиёд, бино ва иншоотлар майдони 4,5 гектар. Бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур инфраструктура, тайёр имконият мавжуд. Бу салоҳиятдан фойдаланиш мақсадида жамият ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Президентимиз бу ердаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, завод биноларини ишбилармон ва тадбиркорларга имтиёзли асосда бериш, уларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида Яшнобод туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Туманда саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилган.

Яшнободда қайси йўналишларга эҳтиёж кўплигидан келиб чиқиб алоҳида тизим яратиш керак. Бизнес-инкубаторлар ташкил этиш орқали одамларнинг ишончини ошириш, дунёқарабини ўзгартириш, тадбиркорликка жалб этиш лозим. Бозорни ўрганиб, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, замонавий фикрлайдиган ёшларга кенг имконият бериш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Тижорат банклари кўмағида туманда дори ва тиббиёт воситалари, маҳсус кийимлар, қоғоз, ламинат панеллар, ёғ ва ем маҳсулотлари, травертин ва мрамар плиталар, сим ўрамлари ишлаб чиқариш, кўнгилочар масканлар, замонавий бозор ва хусусий клиника ташкил этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳаларнинг ташаббускори бўлган тадбиркор ва инвесторлар билан суҳбатлашди. Режаларни ўз вақтида амалга ошириш, ишбилармонлар-

га қўшимча имтиёзлар яратиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз кутилмаганда 32-оилавий поликлиникага кирди.

Давлатимиз раҳбари поликлиниканинг иш тартиби билан қизиқди. Тиббиёт муассасасининг самарадорлигини ошириш, уйларга чиқиб, аҳолига патронаж хизмати кўрсатишни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Мавжуд муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш, поликлиникани таъмирлаш ва аҳоли учун қулайликларни ошириш, тиббий ёрдам қамровини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинганда ҳам катта маъно муҳассам. Зеро, инсон манфаатлари деганда инсоннинг саломатлиги, замонавий тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиши ҳам назарда тутилди.

Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан бир неча маротаба учрашиб, бирламчи тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Соҳа ривожига қаратилган бир неча фармон ва қарорлар қабул қилинди, уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланмоқда.

32-оилавий поликлиника 27 минг 300 га яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Болалар ва туғиш ёшидаги аёллар, кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиздаги ҳар бир поликлиникага тез тиббий ёрдам машиналари ажратилди. 32-оилавий поликлиникада ҳам тез тиббий ёрдам пункти фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз шу ерда маҳалла аҳолиси билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистонда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш жадал суръатда ривожланаётди. Бу борада, айниқса, электр техника саноати юқори натижаларга эришмоқда. Тармоққа катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этилган ҳолда янги-янги корхоналар ташкил қилинмоқда. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу корхоналарда экспортбоп истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Бугунги кунда "Artel" бренди остида музлаткич, телевизор, кир ювиш машинаси, газ плитаси, кондиционер, микротўлқинли печь, чангюткич, қўл телефони каби энг сўнгги русумдаги маиший техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Шавкат Мирзиёев заводдаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Маҳсулотлар тури, сифати ва ишчи ўринлари билан қизиқди.

"Artel" бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрғазмаси намоиш этилди. Президентимиз кўрғазма билан танишиб, маҳсулотлар турини кўпайтириш бўйича таклиф ва тавсияларини билдирди.

Шу ерда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойлардаги Халқ қабулхоналари халқ билан мулоқотнинг муҳим тизимига айланиши, турли масалаларга ўз вақтида ечим топилиб, одамларни рози қилаётгани таъкидланди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди. Аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКИЛИ ИНСТИТУТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг асосий аравашувини олдини олиш, хусусий мулк дахлсизлигининг ҳуқуқий механизмларини янада мустақамлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини (кейинги ўринларда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил деб юритилади) таъсис этилиши.

2. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш;

тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўйга чиқарилаётганлигини ўрганиш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2017/2018 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрларни тайёрлашда иш бериувчиларнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатта мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, давлат ва ҳўжалик босқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида:

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИ ЗАХИРАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, узоқ муддатли истиқболда ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни амалга ошириш асосида республикамиз аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ижтимоий сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикамизнинг аксарият минтақаларида аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги пайт-

да 69 та шаҳар, 335 та посёлка ва 2 902 та қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисининг эҳтиёжларини ер ости сувлари захиралари ҳисобига қондирилмоқда.

Шу билан бирга, охириги 40-50 йилда саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг жадал ривожланиши чўчқ ер ости сувлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатди, бу ўз навбатида сув олиш иншоотларининг рухсатсиз қурилиши ва сувни назоратсиз олиш оқибатида қонлардаги захираларнинг 35 фоиз қисқаришига ҳамда айрим манбаларда сув захираларининг тугашига олиб келди.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКИЛИ ИНСТИТУТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

3. Белгилаб қўйилсинки:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширадиган, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдордир;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Ўзбекистон Республикаси Президентига тизимли равишда давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рияз қилиниши ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил макрими, меҳнат ҳақи, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосарига, Тадбиркорларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ўринбосари эса – Ўзбекистон Республикаси Президенти девони шўъба мудирига тенглаштирилади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг фаолияти юридик шахс ҳисобланган Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони томонидан таъминланади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимлари Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимлари учун белгиланган тиббий хизмат кўрсатиш, моддий рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шарт-шароитлари таътиб этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони ходимларининг чекланган сони 8 нафардан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига рияз қилишга доир қонун ҳужжатлари давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан сўзсиз ижро этилишини ўрганиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишлар амалга оширилиши қонунийлигининг мониторингини олиб бориш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қонунчилик аралашув ҳолатларининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш юзасидан тақлифлар киритиш;

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига рияз қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда кўриб чиқирилиш мажбурий бўлган аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш;

тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан статистик, тахлилий матери-аллар, ҳулосалар ҳамда бошқа ахборот сўраш ва олиш;

давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилишларида иштирок этиш;

зарур бўлган ҳолатларда ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мутахассислари-ни жалб қилиш, ишчи гуруҳлар ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Сийсий-ҳуқуқий масалалар хизмати манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мах-лиси Қонунчилик палатасига киритиш учун икки ой муддат-да "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тад-

биркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур ташкилий, молиявий ва моддий-техник масалалар ҳал этилишини;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва унинг девонини жойлаштириш учун қўлай бино (хо-налар) ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Тадбиркор-ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг дево-нини зарур алоқа воситалари ва турлари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан жиҳозланишини, шунинг-дек, кенг поласали интернет тармоғига уланишини таъ-минласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳуж-жатларига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

10. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат масла-ҳатчиси О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 5 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКИЛИ ИНСТИТУТИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳусусий мулкнинг қонуний ҳимояси, иқтисодиётда давлат улушини босқичма-босқич камайтиришга қаратилган аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада қабул қилинган қатор қонунлар ва қонунчи ҳужжатлари билан давлат органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг тадбиркорлик фаолиятига қонунчилик аралашу-вини бартараф этиш йўлида қатъий тартиб ўрна-тилди.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат органла-ри, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат идорала-ри билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фа-олияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги прин-ципи амал қилмоқда. Қонун ҳужжатларида тадбир-корлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбир-корлик фаолияти субъектининг фойдасига ҳал этил-моқда. Тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқин-лик қилиш давлат сиёсати, Президент сиёсати-га тўсқинлик қилиш сифатида қаралмоқда. Ўзбекис-тон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш-га, ҳусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан ях-шилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да"ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббу-си билан "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"-ги Қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. У ҳу-сусий мулк ҳуқуқига гайриқонуний таъвозуларни, тад-биркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз ара-лашуларни чеклашга қаратилган билан аҳамият-лидир. Шунингдек, қонун ҳужжатларида тадбиркор-лик фаолиятининг жадал ривожланишини таъмин-лашга, ҳусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қили-шга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан

яхшилашга қаратилган қатор ўзгариш ва қўшим-чалар киритилди.

Тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ти-зимини тўдан соддалаштириш ва тадбиркорлик фа-олиятини юритишни янада енгилаштириш масала-лари ҳам давлатимиз эътиборида турибди. Жумла-дан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тад-биркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсати-ш механизмлари тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бил-лан тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" та-моили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларининг фаолияти сифати ва самарадорли-гини тўдан ошириш, улар томонидан кўрсатилади-ган хизматлар турларини янада кенгайтиришга қаратил-ган аниқ чоралар белгиланди.

Бу сазй-ҳаракатлар тадбиркорлик субъектлари-нинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишга хизмат қилмоқда. На-тижада аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш хоҳиш-иштиги ошиб, йилдан-йилга тад-биркорлик субъектларининг сони кўпаймоқда. Тад-биркорлик фаолияти аҳолини иш билан таъмин-лашда, одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда ҳал қилувчи омиллардан бирига айлан-ди.

Ислохотлар самарадорлиги тадбиркорлик субъект-ларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янги тасиричан механиз-мларини жорий этиш ҳамда мамлакатимизда янада қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш билан ўз-вий боғлиқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг "Ўзбекистон Республи-каси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъект-ларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғри-сида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – Вакил) таъсис этилмоқда. Ушбу институт келгусида тадбиркорлик

субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги са-марали мулоқотнинг янги механизмлари жорий қилинган, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини таъминлашга қаратилган давлат ҳимояси-нинг қўшимча кафолатларини яратишга хизмат қила-ди.

Фармон билан Вакилнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланмоқда. Унга кўра, Вакил мазкур соҳада давлат сиёсатини шаклланти-риш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбир-корлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларига рияз этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг фа-олияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўйича вазифаларни бажаради. Шунинг-дек, соҳадаги қонун ҳужжатлари нормалари ва та-лабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганиш, уларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсирини баҳолаш, тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга, уларнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган қонун-чиликни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тай-ёрлаш Вакил фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Вакил Фармонда белгиланган ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари, уларнинг ман-сабдор шахсларига тобе бўлмаган тарзда амалга оширади. Вакил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ҳамда ўз фаолиятида Ўзбекистон Рес-публикаси Президентига ҳисобдор ҳисобланади. Бу ҳолда Вакилнинг ўз фаолиятини факатинга Ўзбекис-тон Республикасининг Конституцияси ва қонуна-рига бўйсунган ҳолда амалга оширишда, тадбир-корлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларининг ҳар қандай шаклда бузилишига нисбатан адолат, қонун устуворлиги ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги нуқтан назаридан ҳоли-сона баҳо беришда, қонунбузилишларга ўз вақти-да барҳам бериш учун қатъий чораларни қўришда, қонунбузилишларга йўл қўйган барча мансабдор шахслар учун жазонинг муқаррарлиги принципини

таъминлашда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қила-ди.

Фармон билан Вакилга ўз вазифаларини бажари-ши учун қатор ҳуқуқ ва ваколатлар берилмоқда. Жумладан, Вакил тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига рияз қилиш бўйича қонунчиликнинг сўзсиз ижро этилишини ўрга-ниш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текши-ришлар амалга оширилиши қонунийлигининг мони-торингини олиб бориш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қонунчилик аралашув ҳолатларининг ол-дини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш юза-сидан тақлифлар киритиш, давлат органлари ва ташкилотларидан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича статистик, тахлилий материаллар, ҳулоса-лар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, Вакил давлат органлари ва бошқа муассасалар мансабдор шахсларини ёзма равишда огоҳлантириши, уларга аниқланган қонун-бузилиш ҳолатларини, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғри-сида тақдимнома киритиш мумкинлиги кўзда тути-лаяпти. Вакил тадбиркорлик субъектлари манфаат-ларини қўллаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиши, дав-лат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини кўриб чиқиш билан боғлиқ йиғилиш-ларда иштирок этиши мумкин.

Ушбу ҳуқуқ ва ваколатларининг амалда рўёбга чиқарилиши соҳадаги қонунчилик талабларини тад-биркорлик субъектлари фикрлари, тақлиф ва эҳти-ёжларининг, мавжуд муаммолар, ҳуқуқий қўллаш ама-лиятининг ҳар томонлама таҳлилдан келиб чиққан ҳолда, доимий равишда тақомиллаштириш боришга ҳамда қонун ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш учун барча зарур чора-тадбирларни қўриш-га замин яратида. Энг муҳими, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қонунчилик аралашувлар-нинг, шу жумладан, ҳар хил асоссиз текширувлар ўтказиш йўли билан аралашувларнинг зудлик билан

барҳам берилишига, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний ман-фаатлари бузилишининг ҳар қандай шаклининг ол-дини олиш учун самарали чоралар қўрилишига, тад-биркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, шу жумладан, суд орқали тиклаш механиз-мларидан ўнқилиш фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Фармонда Вакил девони фаолияти ташкил эти-лиши белгиланиб, унинг тузилмаси тасдиқланди. Вакил ва унинг девони фаолиятини самарали таш-кил қилиш учун зарур ташкилий, молиявий ва мод-дий-техник масалаларни ҳал этиш ҳам назарда ту-тилмоқда.

Ушбу ҳужжатда, шунингдек, Ўзбекистон Респу-бликасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқла-ри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чи-қиш белгиланган. Унда Вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва кафолатлари, асосий принциплари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тар-тиби, давлат органлари, тадбиркорлик субъектла-ри ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик тартибини белгилаш режалаштирилмоқ-да.

Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ҳаётага таътиб этилиши, шубҳасиз, иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган тадбиркорлик субъектлари манфаатлари устуворлигини амалда таъминлаш, Вакил зиммасидаги вазифаларни тўла-қонли рўёбга чиқариш, давлат органлари ва тад-биркорлик субъектлари ўртасида самарали муло-қоти мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бирор-бир шаклда бузиш ҳолатларига барҳам бериш имкониятини яратида. Йиравардида мамлакатимиз иқтисодиёт кудратини юксалтириш, аҳолини барқарор ва сифатли иш бил-лан таъминлаш, одамлар турмуш сифати ва дара-жасини янада яхшилаш, жамиятда ижтимоий бар-қарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2017/2018 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметр-ларини шакллантириш механизмининг янада тақомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 23 июндаги ПҚ-2360-сон қарорига мувофиқ ва янги қўрилаётган қорхо-наларнинг худудий жойлашуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оши-риш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш борасидаги инвестиция лойиҳаларини жорий қилиш, йўл-транспорт ва муҳандис-лик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш омил-ларини таҳлил қилиш натижалари асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва иш бевучиларнинг олий таълим муассасалари битирувчиларига талаба баланс ҳисоб-китоб параметрлари ишлаб чиқилди;

аниқ йўналиш ва мутахассисликлар бўйича тайёргарлик-ка эга бўлган олий таълим муассасалари битирувчиларига нисбатан истиқболга мўлжалланган талаба-эҳтиёж, шунинг-дек, битирувчиларнинг танланган мутахассислик бўйича ишга жойлашуви мониторинги маълумотлари асосида 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилди.

2. 2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича умумий квота:

бакалаврлар учун 66316 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича – 18194 та ва тўлов-контракт асосида – 48122 та 1-иловага мувофиқ;

магистрлар учун 5000 нафар, шу жумладан, давлат грант-лари бўйича – 1556 та ва тўлов-контракт асосида – 3444 та 2-иловага мувофиқ;

Тошкент ахборот технологиялари университетининг мах-сус сиртки бўлимида – 100 нафар, жумладан, давлат грант-лари бўйича – 15 та ва тўлов-контракт асосида – 85 та, Навоий давлат қончилк институтига тўлов-контракт асоси-да – 90 нафар ва Тошкент темир йўл муҳандислари инсти-

тутига тўлов-контракт асосида – 80 нафар бакалаврни тай-ёрлаш 3-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғ-лиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳоким-ликлари буюртмаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига талаб катта бўлган худудлар учун мақсадли қабул бўйича квоталарни Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида ба-калаврият йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашнинг умумий белгиланган параметрлари доирасида ажратиш бўйи-ча тақлифи 4-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг (кейин-ги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин: бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассис-ликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга ки-риш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари-нинг бакалаврият ва магистратураси қабул параметрларига ўзгаришлар киритиш;

янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалаврият ва магистратуранинг қабул квоталарига ўзгар-тишлар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган худудлари учун мутахассисларга бўлган ўрнили эҳтиёжин қондириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегиш-ли тармоқлар ва худудлар бўйича мақсадли қабул кўрсат-кичларини белгилаш.

5. 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муас-сасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга оши-риш учун квота миқдори таълим муассасасининг мавжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Дав-лат комиссияси томонидан белгиланади;

қўшимча қабул бўйича тўлов-контракт пулининг оши-рилган ставкаси абитуриентлар тўплаган балларга қараб Давлат комиссияси томонидан дифференциялашган тартиб-да белгиланади;

тўлов-контракт суммасининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш баалини тўплай олмаган абитуриент-ларга тўплаган баллига мувофиқ (68 баллдан кам бўлма-ган) кетма-кетлик тартиби қатъий сақланган ҳолда, улар-нинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имконияти-дан келиб чиқиб амалга оширилади.

6. Тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган ва-зирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан бир-галикда икки ҳафта муддатда тасарруфдаги олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура бўйича дав-лат гранти ҳамда тўлов-контракт асосида ўринлар квотаси-ни таълим тилларига қараб тақсимлашга оид тақлифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус та-лим вазирлиги "Ўзстандарт" агентлиги, Вазирлар Маҳма-си ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда бел-гиланган тартибда:

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар класси-фикаторига янги киритилаётган бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўзгариш ва қўшимчалар киритсин;

бир ой муддатда янги киритилаётган бакалаврият йўна-лишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқла-син.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017/2018 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалаврият ва ма-гистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган кво-

таларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Дав-лат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини таъминла-син.

9. Кадрларни мақсадли тайёрлаш буюртмачилари – Қора-қалпоғiston Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар ва идора-ларга олий таълим муассасалари битирувчиларининг улар ўқиб эгаллаган касбига

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “2017/2018 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон қарорини ижро этиш ҳамда мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, бакалавр ва магистрлари тайёрлашда иш берувчиларнинг жорий ва истикболдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда сон ва таълим йўналишлари уйғунлигига эришиш, олий таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан фойдаланишни яхшилаш, шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг ўртача муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларини жорий этиш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва диверсификациялаш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017/2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга биноан ҳамда мамлакатимизда янги қурилаётган корхоналарнинг ҳудудий жойла-

шуви, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш ва диверсификациялашнинг инвестициявий лойиҳалари, йўл-транспорт ҳамда коммуникация инфратузилмаси таҳлилига мувофиқ, 2017/2018 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул бўйича умумий квота бакалаврлар учун 66316 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 18194 та ва тўлов-контракт асосида 48122 та, магистрлар учун 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 1556 та ва тўлов-контракт асосида 3444 та этиб белгиланди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда махсус сиртки бўлим негизида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишни таъминлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус сиртки бўлимида 100 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича 15 та ва тўлов-контракт асосида 85 та, Навоий давлат қончиллик институтида тўлов-контракт асосида 90 нафар ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтида тўлов-контракт асосида 80 нафар бакалаврлари тайёрлаш назарда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бюромаларига биноан юқори малакали тиббиёт кадрларига эҳтиёж катта бўлган ҳудудлар учун Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт олий таълим муассасаларига давлат грантлари асосида бакалаврият йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг мақсадли қабул квоталари тасдиқланди.

Қарор билан Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди ва унга қуйидаги ҳуқуқлар берилди:

бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кириш чоғида абитуриентлар тўплаган балларнинг рейтинг баҳосини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура бўлимлари қабул параметрларига ўзгаришлар киритиш;

янги йўналишлар ва мутахассисликларни киритиш учун бакалаврият ва магистратуранинг қабул квоталарига ўзгаришлар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлари учун мутахассисларга бўлган ўринли эҳтиёжларни қондириш мақсадида олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул қўрсаткичларини белгилаш.

Шунингдек, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш жорий этилмоқда. Бунда:

олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш учун квота миқдори таълим муассасасининг мавжуд имкониятлари ва таълим йўналишларидан келиб чиқиб Давлат комиссияси томонидан белгиланиши;

қўшимча қабул бўйича тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси абитуриентлар тўплаган балларга қараб Давлат комиссияси томонидан дифференциаллашган тартибда белгиланиши;

тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул ўтиш баллини тўплай олмаган абитуриентларга тўплаган баллига мувофиқ

(68 баллдан кам бўлмаган) кетма-кетлик тартиби қатъий сақланган ҳолда, уларнинг оширилган контракт пулини тўлай олиш имкониятидан келиб чиқиб амалга оширилиши белгиланиши қўйилди.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кадрларни мақсадли тайёрлашнинг асосий бюртмачилари ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идораларнинг олий таълим муассасалари битирувчиларининг улар ўқиб эгаллаган касбига ва тузган шартномаларига мувофиқ иш билан бандлигини таъминлаш, жумладан, республиканинг олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларига ишга йўлланма олган олий таълим муассасалари битирувчилари учун мўносиб меҳнат ва ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратиш юзасидан жавобгарлик юкланган.

Қисқача айтганда, ушбу қарорда белгилаб берилган мақсад ва вазифалар юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг стратегик ривожланишнинг бешта устувор йўналиши доирасида олиб борилаётган иш-хотларни изчил амалга оширишга замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2017–2021 йилларда ер ости сувлари заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Республикамизнинг айрим ҳудудларида ер усти сувларини чиқариб ташлаш тармоқлари ва дренаж тизимларининг қонқарсиз ҳолати, ер ости сувлари сатҳининг интенсив кўтарилиши, шунингдек, режали асосда гидрогеологик мониторинг олиб борилмаганлиги оқибатида айрим шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши кузатиламоқда.

Ер ости сувлари мониторингининг 1 465 кузатув пунктидан иборат амалдаги тизими сув манбаларининг ифлосланишга, ер ости сувлари заҳираларининг камайишига ва аҳоли пунктлари ҳудудларида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига олиб келаётган салбий омилларни ўз вақтида ва тўлақонли баҳолаш имконини бермаётган.

Сифатли ичимлик суви тақчил бўлган айрим минтақаларимизда сувни индустриал чўчуқлаштириш қурилмаларидан етарли фойдаланилмаганлиги, республикамизда уларни ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмаганлиги.

Ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва уларни ҳисобга олишни йўлга қўйиш, самарали мониторинг тизимини яратган ҳолда уларнинг заҳираларини янада кўпайтириш, қамқийиб қотиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шунингдек, республикамизда аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан 10 073 та сув қудуғи хатловдан ўтказилганлиги, хатлов натижаларига кўра қуйидагилар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

қонунчилик базаси такомиллаштирилмагани оқибатида 6 679 та қудуқдан ер ости сувлари назоратсиз олинмоқда ва уларнинг ифлосланиши ва заҳиралари камайиши давом этмоқда;

ер ости сувларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш юзасидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги оқибатида 59 фойз ер ости сувлари белгиланган тартибда тасдиқланмаган заҳиралардан олинмоқда;

сув манбалари сатҳлари фойдаланишнинг ҳозирги суръатларида яқин ўн йилларда чўчук ер ости сувлари мавжуд ресурсларининг яримдан кўпчилиги тиклаб бўлмас даражада йўқотишнинг реал хавфи мавжуд.

2. 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб қуйидаги тартиб белгиланиши, унга мувофиқ:

белгиланган тартибда рухсат олинмасдан, бироқ техник талабларга риоя этган ҳолда қазилган фойдаланиш қудуқлари кейинчалик белгиланган тартибда фойдаланиш учун тегишли сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан расмийлаштирилиши лозим;

белгиланган тартибда рухсат олинмасдан ва техник талаблар бузилган ҳолда қазилган фойдаланиш қудуқлари, тегишли сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларини муқobil сув манбаларига улашни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда тугатилади;

юрдик ва жисмоний шахсларга сув олиш учун қудуқ қазилга белгиланган тартибда гидрогеологик хулоса бер-

риш фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг гидрогеология корхоналари томонидан амалга оширилади;

сув олиш учун қудуқ қазилга рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экологик экспертизаси хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу банд билан ўрнатилаётган тартибнинг амалга оширилишини назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ер ости сувларини ҳисобга олиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан тегишли назоратни таъминлаш учун ваколатли давлат органлари ҳисобланади;

сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчилари бўлган юрidik ва жисмоний шахсларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, олинаётган сув ҳажминини тегишли тарзда ҳисобга олиш, уларнинг ифлосланиши ва камайишининг олдини олиш, шунингдек, ваколатли давлат органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этишга доир вазифалари рухсат берувчи талаблар ва шартларга киритилиши лозим.

4. Қуйидагиларни ўз ичига олган 2017-2021 йилларда ер ости сувлари заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари:

2017-2021 йилларда ер ости сувлари заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари комплекси 1-иловага мувофиқ;

2017-2021 йилларда чўчук ер ости сувлари заҳираларини кўпайтиришнинг мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ;

2018-2021 йилларда ер ости сувлари мониторингини кузатиш пунктлари тармоғини кенгайтириш дастури 3-иловага мувофиқ;

2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси гидрогеология корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2018-2019 йилларда қуриладиган ва жиҳозланадиган ҳудудий гидрогеология станцияларининг ишлаб чиқариш базалари рўйхати 5-иловага мувофиқ;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “2017–2021 йилларда ер ости сувлари заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Узоқ муддатли истиқболда ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш ва модернизациялашга доир комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши асосида аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирга қадар республикамизнинг аксарият минтақаларида аҳолини марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кенг қўлмал чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 20 апрелда қабул қилинган “2017-2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим аҳамиятга эгадир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунда юртимиздаги 69 та шаҳар, 335 та посёлка ва 2902 та қишлоқ аҳоли пункти аҳолисининг эҳтиёжлари ер ости сувлари заҳиралари ҳисобига қондирилмоқда.

Ҳаммаизга маълумки, кейинги ўн йилликларда саноат ва қишлоқ ҳўжалигининг жадал суръатда ривожланиши чўчук ер ости сувлари холатига салбий таъсир кўрсатади. Бу аса ўз навбатида сув заҳиралари ҳажмининг сезиларли даражада қисқариши ҳамда сув олиш иншоотларининг рухсатсиз қурилишига, сувни назоратсиз олиш оқибатида аса айрим манбаларда сув заҳираларининг кескин камайиши ва тугашига олиб келади.

Республикамизнинг айрим ҳудудларида ер юзасидаги сувларни чиқариб ташлаш ва дренаж тизимларининг қонқарсиз ҳолати, ер ости сувлари сатҳининг интенсив кўтарилиши, шунингдек, режали тарзда гидрогеологик мониторинг олиб борилмага-

ни оқибатида айрим шаҳарлар ва аҳоли пунктларида ер ости сувлари сатҳининг ер юзасига яқинлашиши кузатиламоқда.

Шу билан бирга, ер ости сувлари мониторингининг амалдаги тизими сув манбаларининг ифлосланишига, ер ости сувлари заҳираларининг камайишига ва баъзи аҳоли пунктларида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига олиб келувчи салбий омилларни ўз вақтида ва тўлақонли баҳолаш имконини бермаётган.

Бу ҳақда сўз борганда, ичимлик суви тақчил бўлган айрим ҳудудларда сувни чўчуқлаштириш бўйича замонавий қурилмалар етарли даражада жорий этилмаганини, сувни чўчуқлаштириш учун керак бўладиган ускуна ва қурилмаларни ишлаб чиқариш борасида мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганини ҳам таъкидлашга тўғри келади.

Муҳим жиҳати шундаки, шу йилнинг февраль-март ойларида 10 мингдан ортиқ сув қудуғи бўйича ўтказилган хатлов натижалари айбиги ўтилган салбий омилларнинг ер ости сувлари холатига таъсири давом этаётганидан далолат беради. Хатлов натижалари:

60 фойддан ортиқ қудуқлардан ер ости сувлари назоратсиз олинаётгани ҳамда уларнинг ифлосланиши ва заҳираларининг камайиши давом этаётганини;

59 фойз ер ости сувлари тасдиқланмаган заҳиралардан олинаётганини;

яқин ўн йиллар мобайнида чўчук ер ости сувлари мавжуд ресурсларининг яримдан кўпчилиги тиклаб бўлмас тарзда йўқотишнинг реал хавфи мавжудлигини аққол кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш заруратидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинди. У айни пайтда ер ости сувлари заҳи-

раларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш ва шу асосда мамлакатимиз аҳолисини сув билан таъминлаш сифатини яхшилашга ҳамда айрим шаҳарлар ва туманлар марказларида ер ости сувлари сатҳлари кўтарилишининг олдини олишга йўналтирилган.

Аваламбор, ушбу қарор билан 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилади:

белгиланган тартибда рухсат олинмасдан, бироқ техник талабларга риоя этилган ҳолда қазилган қудуқлардан фойдаланиш тегишли сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан келгусида белгиланган тартибда фойдаланиш учун расмийлаштирилиши лозим;

белгиланган тартибда рухсат олинмасдан ва техник талабларга риоя этилмагандан қазилган қудуқлар тегишли сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларини муқobil сув манбаларига улашни ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда тугатилади;

юрдик ва жисмоний шахсларга сув олиш учун қудуқ қазилга белгиланган тартибда гидрогеологик хулоса бериш фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг гидрогеология корхоналари томонидан амалга оширилади;

сув олиш учун қудуқ қазилга рухсатномалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экологик экспертизаси хулосаси мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилди.

Ушбу ҳужжатда ер ости сувларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш юзасидан назорат ва ҳисоб-китобнинг таъминланиши учун ваколатли давлат органларининг ҳамда сувдан фойдаланувчилар ва

сув истеъмолчиларининг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, олинаётган сув ҳажминини тўлақонли тарзда ҳисобга олиш, шунингдек, уларнинг ифлосланиши ва камайишига йўл қўймаслик бўйича вазифалари белгиланган.

Маъзур қарор билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда ер ости сувлари заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастури соҳада муҳим ўрин тутади.

Дастур:

ер ости сувлари заҳираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва уларни ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари комплексини;

чўчук ер ости сувларининг тасдиқланган заҳираларини кўпайтиришнинг мақсадли параметрларини;

ер ости сувлари мониторингини бўйича кузатиш пунктлари тармоғини кенгайтириш параметрларини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси гидрогеология корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий гидрогеология станцияларининг ишлаб чиқариш базаларини қуриш ва жиҳозлаш чора-тадбирларини;

шаҳарлар ва туманлар марказларида дренаж ва кузатув қудуқларини ҳамда коллекторларни қуриш ва уларни мукамал таъмирлаш параметрларини ўз ичига олади.

Дастури молиялаштириш учун Давлат бюджети, халқаро молиявий институтлар ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан 396 миллиард сўм йўналтириш қўзда тутилган.

Шунингдек, мамлакатимизда чўчуқлаштириш қурилмаларини саноат усулида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва тегишли аҳоли пунктларини жиҳоз-

лаш учун 2017 йилнинг охиригача Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари тарзда таъриба-синов ишларини ўтказиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги корхоналарини мутахассис кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ирригация ва мелиорация институтида “Мелиоратив гидрогеология” таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил этиш қўзда тутилган.

Ушбу қарорнинг баъжарилиши:

биринчидан, ер ости сувларидан фойдаланишни назорат қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобга олишнинг самарали механизмини жорий этиш;

иккинчидан, ер ости чўчук сувлари заҳираларини кўпайтириш бўйича гидрогеологик ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда қўшимча равишда 7 та шаҳар, 21 посёлка ва 426 та қишлоқ аҳоли пунктининг сув таъминотини қавофлаштиш;

учинчидан, ер ости сувларини кузатиш тармоғини яна 1155 та қудуққа кўпайтириш ва уларда 500 та замонавий автоматлаштирилган тизим ўрнатиш ҳисобига ер ости сувларининг ҳолати устидан самарали мониторинг олиб борилишини ташкил этиш;

тўтинчидан, дренаж қудуқлар сонини 715 тага, кузатиш дренаж қудуқлари сонини 1369 тага, коллекторлар узунлигини 280 километрга кўпайтириш ҳисобига 132 та шаҳарлар ва туманлар марказларида ер ости сувларни сатҳи кўтарилишининг олдини олиш ҳисобига мамлакатимизнинг қўллаб шаҳар ва қишлоқларида аҳоли яшаш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЕЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 4 май

9 май –Хотира ва Қадрлаш кун

ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА



Юртимизда кенг нишонланаётган Хотира ва Қадрлаш кун **том маънода инсонпарварлик жиҳатдан ўз ифодасини топмоқда. Хотира ва қадрлаш тушунчалари миллий қадриятларимизнинг бебаҳо маҳсулидир. Марҳумларни хотирлаган, меҳнатлари эъзозлаган, тарихини улғулаган ва аждодларига муносиб фарзанд тарбиялаган миллатнинг эртаси нурафшон, келажаги истиқболлидир.**

Президентимизнинг 2017 йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқи Хотира ва Қадрлаш кун олдида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг хотираси едга олиниб, уларга эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Фахрийларимиз ҳамisha эъзозда" деб номланган маънавий-маърифий тадбир ҳам шулар жумласидир.

Миробод туманидаги "Ҳаёт" маросимлар уйида ўтказилган байрам тадбирига меҳнат фахрийлари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ташриф буюрди.

Миробод тумани ҳокими Ш.Пўлатов ва бошқалар юртимиздаги нурунийлар, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтди.

Тадбирда тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, фидойилик ва инсонийлик фазилатлари, қариялар ва ўзгалар кўма-

гига муҳтож кишиларга ғамхўрлик қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлиги қайд этилди.

– Инсон хотирасига ҳурмат кўрсатиш, уларнинг эзгу ишларини қадрлаш тарбиявий аҳамиятга эга, – дейди Миробод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Мадраҳимова. – Энг асосийси, юртимизда тинчлик ҳамда осойишталик баробарида инсон хотираси ва унинг қадрининг шундай юксак даражада улғуланаётгани барчамиз учун тенгсиз ибрат мактабидир.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди, эл севган хонандалар ижросидаги куй ва қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишланди.

Шайхонтоҳур туманида ўтказилган байрам тадбири ҳам катта тантаналар билан нишонланди ва фахрийларни қўллаш мақсадида уларнинг хонадонларига ташрифлар уюштирилди.

Тумандаги Зафаробод маҳалласида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Анастасия Трофимованинг хонадонини ҳам байрам муносабати билан гавжум бўлиб қолди.

А. Трофимова фронтда ҳамшира ва бир вақтнинг ўзида ҳайдовчи бўлиб хизмат қилган. Бир неча бор мардлик ва жасорат орденлари билан тақдирланган. Бугунги кунда икки невар ва 9 эваранинг сеvimли бувижониси.

Анастасия момо уруш хотираларидан кўра, бугунги тинч, фаровон замон, юртимиздаги осудалик ва таракқиёт ҳақида сўзлашни хуш кўради. У Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фаоллари ва ёшларнинг ташрифидан жуда қувонди.

"Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, уларнинг уруш йилларида кўрсатган жасорати, мардлиги ва қаҳрамонликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида "Хотирасиз келажақ йўқ!" номи байрам тадбири ўтказилди.

ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Байрам тадбирида Юнусобод тумани Аҳмад Дониш ва "Мурувват" маҳаллаларида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ходимлари, марказ педагог ходимлари ва тўғрақ аъзолари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

– "Баркамол авлод" Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида 49 дан зиёд тўғрақлар фаолият кўрсатади, – дейди

марказнинг Оммавий-маданий тадбирлар ташкил этиш гуруҳи ташкилотчиси Нозима Ваҳובה. – Ушбу тўғрақларда 490 дан ортиқ ўқувчилар касб-хунарининг бошланғич сирларини ўрганишмоқда. Шунингдек, бугунги кунда марказимизда ўқувчиларнинг жонажон ўлка табиати, тарихи, маданий меросини чуқур ўрганиши, уларни мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таъминлаш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимла-

рини эгаллашлари учун қўлай шароитлар яратилган. Тадбир давомида марказимизда фаолият юритаётган "Журналистика ва нотик", "Инглиз тили", "Тўқиб", "Тасвирий санъат" тўғрақлари аъзолари ўз чиқишларини намойиш этишди.

Марказ маъмурияти томонидан тадбирда қатнашган уруш ва меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзиб, кўнгиллари шод этилди, уларга гулдасталар ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Куни кеча Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида дамли ва зарбли чолғу ижрочиларининг "Санъат гунчалари" XIX Республика танлови ўтказилди.

Маъмур танловда аънавий тарзда республикамиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда Маданият вазирилик тасарруфидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейларининг ўқувчилари иштирок этишди.

– Ушбу танлов ёш ижрочиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантириш, ўзбек мусиқа маданиятини юксак даражага кўтариш, миллий санъатимизни дунё сахналарига олиб чиқиш ва иқтидорли ёшлар ижодини тарғиб этиш мақсадида ўтказилмоқда, – дейди Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи директори Зулфигор Холмирзаев.

Танловнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Камола Акилова, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқарув раиси Светлана Инамова ҳамда Ўзбекистон Бастакорлар уюмчаси раиси Рустам Абдуллаевлар барча иштирокчиларни

танлов очилиши билан табриклаб, мамлакатимизда мусиқа ва санъатга жуда катта эътибор берилганлиги, ёш авлоднинг камол топиши, истеъдоди ва иқтидорини эркин намойиш этишига алоҳида эътибор қаратилаётганини, улар-

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

га барча шарт-шароитлар яратилиб берилаётганини алоҳида таъкидлаб, ёш иштирокчиларга катта зафарлар тилашди.

"Санъат гунчалари" XIX Республика танловида иштирок этган ижодкорлар ёшга кўра кичик 11-13 ёш ва катта 14-15 ёш гуруҳларга бўлиниб, бир қатор номинациялар бўйича истеъдодларини намойиш этишди.

Танловнинг республика босқичида иштирок этган жами 137 нафар иштирок-

чи 9 май – Хотира ва Қадрлаш кун халқимиз ҳаётида муҳим ижтимоий-маънавий ўрин касб этди. Бу кунда кекса-ю ёш Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг ёд этиш учун Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбарлар қўйиб уни зиёрат қилишди. Шунингдек, меҳнат fronti ортида кечая кундуз хизмат қилган меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олинди. Бу кунда ҳалок бўлганлар хотирланади, ҳаётлари эса қадрланади, уларнинг ҳолидан хабар олинди, соғва-саломлар улашилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ана шундай эзгу ишларда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Миробод туманида 44 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 300 дан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийлари истиқомат қилишмоқда.

Амалга оширилаётган хайрли ишларда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида кўнгилочар тадбирлар ташкил этилмоқда. "Камолот" ЁИХ фаол ва иқтидорли ёшларининг кўнгилчилардан таркиб топган гуруҳи фахрийлар уйига ташриф буюриб, юмушларини енгил қилиш мақсадида уй атрофларини тозалаш ишларида жонбозлик кўрсатишмоқда. Туманда жойлашган "Қўйлиқ ота", "Файзобод" ва "Ёпиғлиқ ота", жами 133 гектарга тенг бўлган қабристонлар шу кунга қадар ободонлаштирилди.

Халқимизни бу улғу байрам билан табриклаш мақсадида 300 минг дон қўрак ленталари, 120 минг дон стикерлар ҳамда 200 минг дон флаерлар тарқатилди.

Жамшид ГАФУРОВ, "Камолот" ЁИХ Миробод туман Кенгаши бош мутахассиси

ят олиб бораётган дипломатик корпус раҳбарлари ва вакиллари иштирок этишди.

Танловнинг бадий қисмида Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ўқувчиларидан ташкил топган оркестр ҳамда танлов давомида голибликни қўлга киритган айрим ёш ижрочиларнинг маҳорат билан ижро этган асарлари тингланди.

Жумладан, Тошкент шаҳридаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Ростислав Литвинов Шолоховнинг "Еш кавалериячи" асарини труба чолғусида, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ўқувчиси Мадина Содикова Борис Гийенга қайта ишлаган ўзбек халқ куйи "Елғиз" асарини валторна чолғусида, танловнинг энг ёш ва иқтидорли иштирокчиси деб топилган Наманган вилояти 17-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Мухиддин Акромов эса Шолоховнинг "Эртак" асарини труба чолғусида маҳорат билан ижро этди.

Танлов сўнггида голибликни қўлга киритган ўқувчиларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Зайниддин ЎРИНБОЕВ, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ўқувчиси

СИЗЛАР ДОИМО ҚАЛБИМИЗДАСИЗ!

Кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам бериш халқимизга ҳос одат. Бундай жиҳатларни дунёнинг бошқа бирор бир мамлақатида учратмайсиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

XXI саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раиси ва унинг биринчи ўринбосари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таъсис конференциясига делегатлар сайланди. Худудий кенгашлар қошида жамоатчилик назорати гуруҳини ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланди.

• Гулистон давлат университетида "Ёш дастурчилар форуми – 2017" бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси, Гулистон давлат университети, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вилоятдаги академик лицей, касб-хунарс коллежлари ва университетида тахсил олаётган ёш дастурчилар иштирок этди.

• Урта махсус, касб-хунарс таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Шунқорлар" мусобақасининг Сирдарё вилояти босқичида 11 жамоа иштирок этди. Иштирокчилар сафда юриш, мерганлик, югуриш, тўсиқлар оша югуриш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик каби шартлар бўйича ўзаро баҳслашди. Мирзаобод хизмат кўрсатиш касб-хунарс коллежининг "Бургутлар" жамоаси голиб бўлди ва мусобақанинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Урганчда "Менинг бизнес гоям" республика танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди. Вилоят босқичида 115 нафар истиқболли лойиҳа ва гоя ташаббускорлари иштирок этди. Мутахассислар ҳулосасига кўра, 11 нафар ёшнинг бизнес-режалари маъқулланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

ЖАҲОНДА

• Геологлар Антарктиданинг Ларсен текислигида янги улкан ёрик пайдо бўлганини аниқлашди. Янги ёриқнинг узунлиги 160 километр бўлиб, тадқиқотлар унинг узаймаса-да, кенгайётганини кўрсатган. Бу эса тез орада беш минг квадрат километрлик муз парчаси ажралиб чиқишини билдиради. Мутахассислар мазкур ҳолат денгизлардаги сув сатҳига таъсир қилмаслигини, бироқ музликнинг парчаланиши тезлашаётганини таъкидлашмоқда. Шу билан бирга, улар бундай ҳодисалар Ернинг иқлим ўзгариши туфайли содир бўлаётганини ҳам маълум қилишган.

• Буюк Британиядаги Ковентри университети географи Мэттью Блэккетт Ер юзидagi энг хавфли беш вулкон номини маълум қилди. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, уларнинг отилиши минглаб кишининг ўлимига олиб келиши мумкин. Олимнинг фикрича, инсонлар ҳаётига энг катта хавф солувчи вулконлар – Везувий (Италия), Ньярагонго (Конго Демократик Республикаси), Попокатепетль (Мексика), Кракатау (Индонезия) ва Пэктусан (Шимолий Корея).

• Хитойнинг Синчуан провинцияси раҳбарияти пандалар учун миллий боғ қурилиши сабабли 172 мингдан зиёд маҳаллий аҳолини бошқа ерга кўчиришга қарор қилди. 27,1 минг квадрат километр майдонни эгаллаш қўллаётган боғ барпо этилишида 7 та шаҳар ва 19 та уезд аҳолиси кўчирилиши назарда тутилган. Хитой ҳукумати 2025 йилга қадар ёввойи табиёт қўқариш пандалар сонини тахминан 18 фоизга, яъни 2 минг 200 бошга қадар оширишни режалаштирган. Айни Хитойда 1 минг 864 бош панда табиий муҳитда, 471 бош махсус марказларда яшайди.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 8 май кунини ҳаво ўзгартириш, кечаси ва эрталаб вақти-вақти билан ёмғир, жаза ёғиши мумкин. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 13-15, кундузи – 25-27 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 8 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиш кетишига имконият яратилади, инфляция даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г. 535

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, қоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 бома табоқ, офсет усулида босилади. 9488 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Тошпириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ